

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 60-80 ЙИЛЛАРДАГИ ВА УНДАН КЕЙИНГИ (МУСТАҚИЛЛИК ДАВР) ГРАФИКА САНЪАТ ТУРИНИНГ РАВНАҚИ УЧУН ЗИНАПОЯ ҚУРГАН ИЖОДКОР. (ГРАФИК РАССОМ ҚУТЛУҒ БАШАРОВ ҲОТИРАСИГА БАҒИШЛАНАДИ)



Наримон Шарипов

Камолиддин Бехзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн институти

“Миниатюра ва китоб графикаси” кафедраси

катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18785682>

Аннотация. Мақолада 60-80 йиллар Ўзбекистон тасвирий санъатининг графика санъат турида танилган график рассом, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Қутлуғ Башаровнинг ўша йилларда ва мустақиллик йилларининг илк даврида фаол ижодининг ҳозирги кун Ўзбекистон графикасида тутган ўрни ва тавалуд кунининг 100 йиллигига бағишлаб ёзилган фикрлар жамланган.

Калит сўзлар: Қутлуғ Башаров, графика, график рассом, линогравюра, туркум асарлар, композиция, образлар, устоз- шогирд, китоб графикаси, дастгоҳли графика.

Аннотация. В статье обобщены размышления, посвященные творческой деятельности известного графика, народного художника Узбекской ССР Кутлуга Башарова, получившего признание в 1960–80-е годы в области графического искусства Узбекистана. Рассматривается его активная творческая деятельность в указанный период, а также в первые годы независимости, его вклад и место в современной узбекской графике. Статья приурочена к 100-летию со дня его рождения.

Ключевые слова: Кутлуг Башаров, графика, художник-график, линогравюра, серия произведений, композиция, образы, наставничество, книжная графика, станковая графика.

Annotation. The article brings together reflections dedicated to the 100th anniversary of the birth of Qutlug' Basharov, a renowned graphic artist and People's Artist of the Uzbek SSR, who was widely recognized in the field of graphic art of Uzbek visual arts during the 1960s–1980s. It examines the place and significance of his active creative work from that period as well as from the early years of independence in the context of contemporary Uzbek graphic art.

Keywords: Qutlug' Basharov, graphics, graphic artist, linocut, series of works, composition, imagery, master–apprentice, book graphics, easel graphics.

60-80-чи йилларда Ўзбекистонда тасвирий санъатининг кўпгина турлари қаторида графика санъати ҳам сезиларли силжишларни ўзида намоён этди. Бу санъат ҳам давр изланишларидан чекада қолмади. Дастлаб унда реалистик йўналиш етакчилиги қилиб тасвирланувчининг маънавий дунёсини ёритишга интилиш кучлилиги сезилади. Бу йилларда гравюра санъатига эътибор ортиб унинг жанрлар рангбаранглиги билан характерланади. Сюжетли композиция, манзара, портрет, натюрморт жанрларида

яратилган график асарлар ўзининг касбий маҳорат ва борлиқ ҳамда ифода воситаларини янги эстетик идрок этилиши ва таърифланиши билан ажралиб туради. Шу йилларда линогравюра (қора ва рангли) кенг ёйилди, офорт, мопотипия, автолитография техникасида асарларнинг яратилди. 60 йилларнинг ўрталарида декоратив эстампга қизиқиш пайдо бўлди, фактурага эътибор ортди. Қаламчизги ва расмлар кўпчиликини ўзига жалб эта бошлади. Бу йиллардан бошлаб анъанавий графика услублари – тоналъ, қора акварелда расм ишлашга қизиқиш сусая бошлади. Ўрни катта форматли, туркумли асарлар эгаллаб бошлади.

Графикага қизиқишнинг ортиши унинг ифода воситалари, образли пластик ечим муаммоларини ҳам муҳим муаммоларга айлантирди. Санъат турлари ҳам янгиланиш даврига ўта борди. Муҳими бу даврдан бошлаб ижодкор эркинлиги масаласи кўтарилган сари ишланган ижодкорлар асарларида услубий ранг баранглик орта борди. Бир томондан Европа классик санъат анъаналари, ижодкорлар томонидан қабул қилинган ҳолда шу билан бирга миллий санъат анъаналари, жаҳон демократик санъат асослари ҳам кенг ўзлаштирила бошлади. XIX аср охири XX аср бошларида пайдо бўлган авангард йўналиши бу йилларга келиб ўз умрининг янги даврини бошлади, тўғри бу кейинги йўналиш эътироф этилмаса ҳам, унинг ижодкорлари расмий ҳокимият томонидан таъқиб этилса ҳам лекин у аста ривожланиб санъат тарихида ўз мавқеини мустаҳкамлаб борди. 1960 йиллар санъати хусусида гап кетганда «жиддий услуб» (суровий стиль) кўпроқ эсланди. Бу бежиз эмас. Чунки айти шу услубда санъатнинг ҳам пластик ҳам ғоявий янгилиги сезиларли бўлди. Кундалик воқеликни романтик руҳда идрок этиш, умумлашма типик ҳолатларни топишга ҳаракат қилиш, кундалик турмушдаги давр мазмунини кўрсатишга интилиш бу янгиланиш даври санъатидаги янги руҳни, янги ҳиссиётни пайдо бўла бошлагани кўрсатади.

60 йилларда графика санъатида аввалгидек анъанавий графика услублари – тоналъ сурат, қора акварелда расм ишлаш услубларига қизиқиш иштиёқи камая бориб эстампга қизиқиш ортди. Ёшу - қари шу техникани ўзлаштиришни ўзига эп кўрди. Линогравюрага қизиқиш ортди.

Қ.Башаров ижодга эрта кириб келган унинг серкирра ижодий фаолияти Республика рассомлик билим юртида ўқиб юрган йиллари бошланган. Тошкент Давлат театр ва рассомлик институтига ўқишга кирганда машҳур рассомлик институтига ўқишга кирганда машҳур рассом эканлиги маълум бўлган эди. Шу институтда кўп йиллар графика кафедраси мудири лавозимида ишлади ва профессор унвонида тасдиқланди. Сер унум иш фаолияти мобайнида Қ.Башаров ўзига хос графика мактабини яратди. Унинг раҳбарлигида графика ихтисослигини тугатган 200 дан ортиқ талаба графика санъати маҳоратини эгаллаб, ижод билан изчил шуғулланиб келди. Қ.Башаров маҳорати баланд сермахсул ижодкор нафақат дастгоҳли графика санъати балки рангтасвир асарлари билан ҳам катта муваффақият қозонди. 2000 дан ортиқ бадиий асарлар яратган. 200дан ортиқ Республика ва Халқаро кўргазмалар ва танловларда қатнашган. Шунинг эъзига олтин медал ва биринчи ўринли дипломлар олган.

Унинг ижодий асарлари кўплаб музей ва галереяларда, шулар қатори, машҳур Третьяков галереясида, Россия маданияти вазирлиги коллекциялари, Кўргазмалар дирекцияси, Ўзбекистон давлат санъат музейи ва бошқа турли давлатлар – Австрия, Венгрия, Миср, Канада, Монголия, Италия, Ҳиндистон, Польша, Франция, Югославия, Чехия, АҚШ, Англия, Корея галереялари ва шахсий коллекцияларида сақланмоқда. Ижодкорнинг самарали ижодий ютуқлари эътирофи сифатида Ўзбекистон халқ рассоми

унвони, “Халқлар дўстлиги” ордени, “Шуҳрат медали, “Эл – юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланган.

Энг аввало биринчи Президентимиз томонидан Ўзбекистон Бадиий Академиясининг академиги этиб тайинланди.

Шунингдек у томонидан улуғ шарқнинг хусусан соҳибқирон А.Темурнинг оқ от устида, жангавор либосларда, халқига қараб турган холда, шижоат билан душманга қарши ҳамла қилиш арафасида турган кўринишини кенг отлқлар, яйловлар оралаб иккинчи режада отларини елдириб кетаётган аскарлар иссиқ, сариқ, сарғиш, оч, яшил ва ҳаво рангли осмон фонида етук маҳоратга эга бўлган рангтасвирчи сифатида мураккаб композициявий ечимни ярата олган. Бундан ташқари бактрияликлар қаҳрамони (Александр) Искандар Зулқайнарга қарши қаҳамонона жанглар олиб борган Спитамен образини ҳам ярата олди. Бу асари графика йўналишида мардановор отда қизил, иссиқ, тўқ олов ранглар уйғунлигида қаҳрамоннинг айни жанг олиб бораётган чапдаст, чавондоз ва айни вақтда эпчил қилич ва найза-ю қалқонлардан яшин тезлигида фойдалана олаётгандаги динамик ҳаракатдаги қоматини яратишга муваффақ бўлган.

Ижод соҳиби томонидан. Беҳзодга бағишлаб яратган График асари ҳам танловларда ғолиб бўлган ва у ҳозирда Ўзбекистон Давлат санъат музейда доимий кўргазмада намоиш этилмаоқда.

Шу техникада К.Башаров ҳам чуқур ва мазмунга бой ижодий изланишда бўлди. Рассом ишлатаётган чизиқлар нафосати, образ силуэтининг яхлитлиги унинг ишларига алоҳида ўзига хос фойз бахш этади. "Узум йиғиш" (1967) асаридаги қиз образида шоирона улуғвор образни яратади. Асарнинг бадиий яхлит ечими воқеликни кундалик турмушнинг майда чуйдаларидан ҳоли қилиб унга чуқур бадиийлик киритади.

Рассом борлиқ воқеалари ва ҳаёлий тасаввурларини тантанили кўтаринки руҳда тасвирлаши уни ишларининг ҳарактерли томонини белгилайди. Ижод соҳибининг асарлари ҳам эртаксимон, ҳам ҳаётийдек идрок этилади. Унинг «Халқ ўйинлари» асарида рассом миллий халқ турмуш тарзини ифодалайди. Оддий халқнинг феъл атвори, кайфиятини улар ҳатти-ҳаракатини орқали акс этиради. Асарнинг ифодали учун ҳар бир образни қатий контур чизиги билан белгилаш ҳам хиссини кўшади.

К.Башаровнинг «Пахта байрами» асарлар туркумида миллий чолғу асбоблари ритмида рақсга тушаётган ўзбек қизи тимсолида шодлик ва байрам мавзуси ифодаланади. Рассом гравюранинг турли шаклларида ижод қилди. Тарихий ва маиший мавзу, портрет борасида ҳам қатор асарлар яратди. 60 йиллар ўрталаридан бошлаб эстамга бўлган қизиш сусая бошлади.

Собиқ тузум даврида Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг мукофоти совриндори бўлган Қутлуғ Башаровнинг ижодий фаолияти фақат республикаимиздагина эмас, ҳатто ундан ҳам узоқ ерларда маълум эди.

Қутлуғ Башаровнинг ижодий диапазони ғоят кенг эди. Унинг ижодида асосий мавзу – инсонни улуғлаш, унинг ақл-идроки ва ирода кучини санаткорона бадиий ифодалашдан иборат бўлган. Рассомнинг асарларида ўз меҳнатлари билан ўлкамизнинг бугунги фаровон этаётган ва эртанги куни бунданда гўзалроқ бўлиши учун бор вужуди билан курашаётган замондошларимизнинг – Ўша вақт Ўзбекистонининг ажойиб кишиларининг образлар уни қизиқтирар ва ниҳоятда илҳомлантирарди.

Ўша йилларда ҳам ўзбекистон саноати, фан ва маданияти юксак даражада ривожланган республикалардан бири бўлган. Республикамизнинг саҳий ерининг бойликлари ва ноз – неъматлари: “оқ олтини – пахтаси, қора кўли, ипаги, боғ ва

узумзорлари билан машҳур бўлган. Қутлуғ Башаров “Пахтакорлар”, “Пахта”, “Куз”, “Ер ва одамлар” туркумларида ишланган линогравюраларида ана шу меҳнаткашларни ва фасллари катта меҳр – муҳаббат билан ифодалаган.

Ўзининг жонажон ўлкаси билан фахрланиш туйғуси, унинг ўз ҳаётининг мазмуни бўлиб қолган. Ишига меҳр – муҳаббат – “Пахтакорлар” туркумидаги қаҳрамонларга хос бўлган умумий фазилатларидир. Шу билан бирга бу туркумдаги расмларнинг ҳар бирида асар қаҳрамонларининг шахсий фазилатлари. Ички кечинмалари, рассом томонидан чуқур идрок қилиниб, сўнг ихлосмандларга ёрқин, ўзига хос нафосат билан етказишга эришган. Рассом “Теримчилар”да куч – қудрат, ишонч ва оптимизм яқол кўзга ташланади. Бу туркумга кирган “Устоз ва шогирд”, “Ҳосил байрами” каби гравюралар ҳам ғоят таъсирчан. “Ҳосил байрами”да миллий рақснинг юксак жозибадолиги, жўшқинлиги нафис хатти – ҳаракатлар орқали кўрсатилган. “Оналик” гравюраси ҳам самимий лиризм билан йўғрилган. Халқимизнинг пахтага бўлган чексиз меҳр – муҳаббати “Пахта” туркумида маҳорат билан тасвирланган.

Мана, деҳқон гўё гўдакни авайлагандай, нозик ғўза ниҳолига меҳр билан тикилиб турибди. Меҳнатдан қадок бўлган қўллари ниҳол атрофида авайлаб ҳаракат қиляпти. Ёки у ўз ишининг устаси, миришқори – сувчи кетмонига суяниб бир оз тин олаётгани усталик билан тезлик билан тасвирланган.

Қутлуғ Башаровнинг литографикалар туркумида яратган асарлари орасида “Куз” учлиги (триптихи) алоҳида ўрин тутди. Учликда нафис ва қувноқ севги оҳанглари дилларга хушнудлик бағишлайди. У мавзуининг, образларнинг жозибадор лирик бўёқларда чизилганлиги билан ажралиб туради. “Шафтоли”, “Анор”, “Узум” деб номланган учта мустақил мавзуда меҳнаткаш аёлларнинг поэтик образи чизилган бўлиб, уларни инсоннинг фидокорона меҳнати эвазига она – ер ўз саҳоватини инъом этади, деган умумий ғоя бирлаштирган.

Рассомнинг кейинги йилларда яратган “Ер ва одамлар” литографияларида сингари туркумларида алоҳида аҳамиятли тарздаги оҳангларда жаранглайди. Бу инсон меҳнатининг ўзига хос гимни эди. аниқ қаҳрамонлар – ўша давр иеҳнат Қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш илғорлари рассомни илҳор техника, юксак маданият масканига айланган замонавий ўзбек қишлоғи қиёфасини, озода меҳнат қувончини тотаётган, кишиларнинг бадиий образларини яратишга илҳомлантирган эди. Шунинг учун ҳам бу туркумга кирган асарларидаги чўпон, сут соғувчи, теримчи меҳанизатор, соҳибкор, пиллакор образлари ғоятда жозибали тасвирланган.¹

Графика санъатининг ривожини охириги ўн йилликлар мобойнида бир йўсинда бормади. 1980 – 1990 йиллар бошида хусусий буюртмачилар ёки сотиб олувчиларнинг сони кескин камайиб кетганлиги боис дастлабки дастгоҳли графикага бўлган талаб ва эҳтиёж камайиб кетди. Босма маҳсулотлар ҳажмининг кескин камайиб кетиши ҳақиқатдир.

60 – 80 йилларда дастгоҳли графика жанрида фаол ижод қилиб келаётган. Қ.Башаров китоб графикаси санъатида шоир Б.Бойқобиловнинг “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси томонидан чоп этилган “Янги Хамса” китобининг умумий беағи устида иш олиб борди. Унинг томонидан мазкур китобнинг тасвирий ва нақшли макети ва Тошкент Шарқшунослик қўлғезмалар институтида сақланаётган миниатюралар нусхаларининг олтитаси бажарлди.

¹ Қ.Башаров Альбом. “Ер ва Одамлар” Нашриётдан. “Ўзбекистон” нашриёти -1977 – Тошкент, Навои,30.

Қ.Башаров ҳақида 1986 йил Совет Ўзбекистони санъати журналининг 11 – сони, 16 бетда санъатшунос Жамила Сайдалиеванинг “ график рассом Қутлуғ Башаров ҳақида “Менинг Ўзбекистоним” (Рассом Қутлуғ Башаров ижодий портрети)² номи билан чоп эттирган мақоласида куйидаги фикрларни билдирган 6 “графика соҳасида кейинги йилларда Ўзбекистонда қувончли ютуқлар киритилмоқда. Ўзбекистон халқ рассоми Қутлуғ Башаров бу санъат ривожига катта ҳисса қўйим келаётир деб бошлаган.

Қутлуғ Башаров республика рассомлик рассомлари сафига олт мишинчи йилларда кириб келди. Мусавврнинг 1964 йилда ташкил қилинган кўргазмасида тушъ билан ишланган “Чорвоқ ГЕС”и номли туркум суратлари намоиш этилган ва шу даврдан бошлаб унинг ижодида бир пайтда икки йўналиш-дастгоҳли графика ва китоб графикаси санъати ривожлана борди дейилади.

Қутлуғ Башаров китоб устаси сифатида ҳам жамоатчилик орасида кенг танилгандир. Рассом китоб графикасида миллий анъанани ўзига хос ижодий услубда акс эттирганлиги диққатга сазовордир дейди-мақола муаллифи.” Турли асарларга ишланган иллюстрациялар рангли линогравюра ва акварель техникасида ишланган бўлиб, бу иллюстрациялардаги улкан ҳаётӣ материалнинг уйғунлиги, мавзу ечимига фалсафӣ ёндошиш томошабинни ўзига жалб этади. Шунингдек, рассом сиёсий китоблар, публисистик адабиётлар ва турли характердаги адабий асарларга ўрганиш натижасида мустақил образли бадий асар даражасидаги иллюстрациялар яратишга муваффақ бўлган.

Мусавврнинг рангли литография техникасида ишлаган “Ўзбекистон аёллари” номли беш туркумдан иборат асарида фан-техника, санъат соҳаларида мисилсиз ютуқларни қўлга киритаётган ўзбек аёллари сиймосини акс эттиради. Шу билан бирга “Пахтакорлар”деб аталмиш туркумли линогравюраларини ҳам бевосита аёлларнинг пахта хосилини етиштириш борасидаги кахрамонона меҳнат фаолиятларига бағишлайди.

Маълумки, рассомлар ўртасида яхши анъана бор. Улар санъат шинавандалари олдида ижодий ҳисобот берадилар ва ўз асарларини томошабинлар ҳукмига ҳавола этадилар. Бу йилнинг декабрь ойида Қ.Башаров 60 ёшга тўладилар. Шу муносабат билан Рассомлар союзининг кўргазмалар залида рассомнинг икки юзга яқин график асарлари намоиш этилди.

Экспозициянинг асосий қисмини рассомнинг янги туркум асарлари ташкил қилиб, уларда ўзбек халқининг меҳнат жжабҳаларида олиб боған кураши марказий ўринни эгаллайди. Кўргазма рассом ижодига оид ижобий ва салбий томонлари хусусида кенг мунозара қилиш имконини берди.Қутлуғ Башаров маҳоратли графика устаси бўлиши билан бирга айрим асарларида пластик гўзаллик етишмаётганлиги ва ижодий изланмаётганлиги ҳам яққол кўзга ташланди.

Кўргазмада юкорида баён этилган асарлар қаторида рассомнинг “Шарқ аёллари”, “Олам инсонга” ва бошқа линогравюралари ҳам ўрин эгаллаган. Кўргазма рассомнинг серунум меҳнати маҳсули бўлиб, унинг келажagini тасаввур қилиш имконини беради.

Мақола муаллифи шу кунларда рассом устахонасига ташриф буюрган вақтда у янги ижодий иш устида учратгани ва бу иш ўша вақтда машҳур бўлган шоир Ҳамза шеъриятига бағишлаб, “Ҳамза шеърияти” деб номланган туркум варақалар ишлаш нияти борлиги, бу варақаларда инқилоб куйчиси сиймосини гавдалантирмоқчилигини билдирди. Шунингдек, мусаввир “Менинг Ўзбекстоним” туркумини яратиш ниятида ўлкамиз бўйлаб ижодий сафарларга тараддуд кўраётганлигини, турли фаслларда, турли об-авода, она табиатнинг

² Жамила Сайдалиева.”Менинг Ўзбекистоним”.Совет Ўзбекистони.1986.11- сон.16 бет.

ўзига хос гўзалликларини, қаҳрамонона меҳнат қилаётган халқимизнинг тумуш тарзини, қувонч-шодликларини акварель техникасида мужассамлаштирмоқчи эканлигини ҳикоя қилди.

Рассом Ўзбекистон ҳаётини, унинг тенгсиз гўзаллигини қуёш нурига бой тароватини ўз асарларида ифодалай олади. Ижодкор рассом сифатида доимо изланишда бўлади. У билан биргаликда жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этади ва этган.

Р.Киплигнинг ижоди асосида “Маугли” китобининг ўзбек нашриётига Қ.Башаров томонидан анъанавий реалистик услубида ўттиз тўртта рангли иллюстрация ишланганлиги рассомнинг китоб графикаси йўнилишида ҳам, ўша вақтда йирик ва маҳоратли мутахассис эканлигини ҳам яққол намоён этган. Болалар китобларини асосан эртақлар безатади. Л ва Ф. Башарова. Қ.Башаров К.Бехзод номидаги институтда ҳам педагогик ва устоз-шогирд анъанаси бўйича ҳам сидқи дилдан фаолият олиб борди.

АДАБИЁТ

- 1.Қутлуғ Башаров. “Ер ва одамлар”. Альбом. “Ўзбекистон”нашриёти.1977.Тошкент, Навои, 30.16 б.
- 2.Ўзбекистон санъати (1991-2001йиллар) “Шарқ нашриёт матбаа акциядорлик компанияси”Тошкент-2001.
- 3.Н.Абдуллаев.Ўзбекистон санъати тарихи.2007.Тошкент.
- 4.Ж.Сайдалиева. Менинг Ўзбекистоним. “Совет Ўзбекистони”. 1986.11-сон.16-бет.